

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБСАЛАМОВА НИГОРА ФАХРИДДИНОВНА

**ТИЗИМЛИ ҚИЗИЛ ЮГИРИК БИЛАН БЕМОРЛАРДА
ПАРАДОНТНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИГИНИ ДАВО –
ТАШХИСОТ ЁНДАШУВИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – «Стоматология»
14.00.05 – «Ички касалликлар»**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Абсаламова Нигора Фахриддиновна

Тизимли қизил югирик билан беморларда парадонтнинг яллиғланиш касаллигини даво – ташхисот ёндашувини оптималлаштириш..... 3

Абсаламова Нигора Фахриддиновна

Оптимизация лечебно-диагностического подхода к воспалительным заболеваниям пародонта у больных системной красной волчанкой..... 20

Absalamova Nigora Fakhriddinovna

Optimization of therapeutic and diagnostic approach of lesions of the mucosa of the oral cavity in systemic lupus erythematosus..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБСАЛАМОВА НИГОРА ФАХРИДДИНОВНА

**ТИЗИМЛИ ҚИЗИЛ ЮГИРИК БИЛАН БЕМОРЛАРДА
ПАРАДОНТНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИГИНИ ДАВО –
ТАШХИСОТ ЁНДАШУВИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – «Стоматология»
14.00.05 – «Ички касалликлар»**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib.1096 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Зойиров Тулкин Эльназарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент
Шодикулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Бекжанова Ольга Есеновна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор
Ахмедов Халмурад Садуллаевич
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Россиянинг Приволжск тиббиёт илмий
текшириш университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институтидаги ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У.Самиева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Қ.Э. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли орасида тизимли қизил югурик (ТҚЮ) сурункали тарқалган пародонтит (СТП) билан бирга кечиши ижтимоий-тиббий ва иқтисодий зарар етказувчи, оғир босқичларида ногиронликга сабаб бўлувчи тиббий муаммолардан бири ҳисобланади. « Бўғим касалликлар умумий касалликлар тузилмасида учинчи ўринни эгаллаб, учраш частотаси 0,5-3,0% ни ташкил этади»¹. Сўнгги маълумотларга кўра ривожланган мамлакатларда ТҚЮ билан оғриган барча беморларнинг 10-20 фоизида касалликнинг биринчи белгилари балоғат ёшига етмай ривожланади. Айти пайтда тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда сурункали тарқалган пародонтитни эрта ташхислаш ва касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш учун патогенетик жихатларини аҳамиятга олган ҳолда даво муолажаларини буюриш, рецидивлар сонини камайтириш масалалари тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда тизимли қизил югурик негизида ривожланган пародонт касалликларини эрта ташхислаш, касалликни келтириб чиқарувчи ва зўрайиб кечишига сабаб бўлувчи омилларини аниқлаш, ихтисослаштирилган даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада касалликларнинг хавф омиллари, иммун тизими ҳолати, ТҚЮнинг тиш атрофи тўқималарининг ҳолатига таъсири, беморларнинг ҳаёт сифатини аниқлаш, шунингдек самарали даволаш тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора – тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳоли орасида ТҚЮ даги сурункали тарқалган пародонтитни эрта ташхислаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самардорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда тизимли қизил югурик билан боғлиқ сурункали тарқалган пародонтити бўлган беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида регенерация

¹ World Health Organization. Musculoskeletal conditions. 8 February 2021 Available from: <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/musculoskeletal-conditions>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори

жараёнларининг бузилишига морфологик тавсиф бериш, ташхислашда ва мувофиқлаштирилган давони ўтказиш учун ЛДФ – грамма кўрсаткичларининг прогностик ахамияти, шунингдек, замонавий тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасидаги юзага келадиган ногиронликни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етакчи илмий марказларининг долзарб йўналишлари ревматологик касалликларда коморбид ҳолати авжланишини эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган (Chen L., Morris D. L., Vyse T. J. 2017). Пародонтитга олиб келувчи барча мавжуд омиллар иммун тизимда қўшимча бузилишларни чақариши билан бир қаторда, ремоделланиш асоратларини келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган (Zian Z. et al. 2021).

МДХ мамлакатларида олиб борилаётган илмий изланишларда ТҚЮ да учрайдиган “эрта” ўлим сабаби иммунопатологик жараённинг фаоллиги ва инфекция асоратлар билан боғлиқ (Соловьев С.К. ва бошқалар 2020), ТҚЮнинг таснифи мезонларида тери ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҳолати асосий бўғинлардан бири ҳисобланиб, юзда “капалак” шаклидаги люпус – васкулит, периорбитал петехия ва оғиз бўшлиғининг некротик яралари (Хетагуров С. К., 2018) каби кўринишлари маълумдир. ТҚЮда пародонт касалликларининг ривожланиши, уларнинг умумий иммун тизими билан ўзаро боғлиқлиги, шунингдек ТҚЮнинг тиш атрофи тўқималарининг ҳолати таъсирига қаратилган бир қатор муаммолар мавжуд изланишларда тўлиқ акс эттирилмаган (Елькова И.Л., Ларина О.В. 2012). ТҚЮ бўлган беморларда сурункали тарқалган пародонтитни эрта ташхислаш ва башоратлашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда охириги йилларда сурункали тарқалган пародонтит

касаллиги билан бирга қушилиб келадиган ички аъзолар касалликлари кечиши, ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий-тадқиқотлар (Ризаев Ж.А., Ризамухамедова М.З., Хамраева Н. А.) томонидан амалга оширилган ҳамда ушбу изланишларда ревматологик касалликлари ривожланиши, уларнинг иммунологик, метабологик ва яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқлиги аниқланган. ТҚЮ касаллигида сурункали тарқалган пародонтитнинг ривожланишини эрта босқичларида аниқлаш, бу ҳолатни беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларига таъсири, унинг патогенетик аспекти охиригача ўрганилмаган, бу ўз навбатида мазкур муаммолар бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, тизимли қизил югурик ва сурункали тарқалган пародонтит билан касалланган беморларда клиник, лаборатор, морфологик ва функционал ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш ва патогенетик жиҳатдан асослаш ва даволаш муаммоси қатор олимлар томонидан ўрганилганлигига қарамасдан долзарблигича қолмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, ТҚЮ касаллиги бўлган СТПни даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликнинг олдини олишга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, касалликни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоси ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 "Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш" (2018-2020 йй) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тизимли қизил югурик касаллигида сурункали тарқалган пародонтитни комплекс даволаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимли қизил югурик билан боғлиқ сурункали тарқалган пародонтити бўлган беморларнинг клиник ва стоматологик статуси ҳолатини баҳолаш;

тизимли қизил югурик касаллиги мавжуд беморларда пародонт тўқимаси ҳолатига морфологик тавсиф бериш;

тизимли қизил югурикда ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган пародонтитни даволашда озонлаштирилган натрий гипохлоритни қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

тизимли қизил югурик билан беморларда сурункали тарқалган пародонтитнинг ўрта оғир кечишини ташхислаш ва даволашда ЛДФ – грамма кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш;

тизимли қизил югурик бор беморларда ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган пародонтитни комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти 1 – клиникаси ревматология бўлимига мурожаат қилган ТҚЮ ва сурункали тарқалган парадонтит касалликлари мавжуд 122 нафар бемор киритилган.

Тадқиқотнинг предмети беморларнинг клиник, инструментал, лаборатор текширувлар, пародонт тўқимаси ҳолати кўрсаткичлари, ҳаёт сифатини объектив ва субъектив баҳолаш кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларининг ечимини топиш учун умумклиник, инструментал, функционал, морфологик ҳамда статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган парадонтитнинг клиник – лаборатор таснифи, морфологик белгилари, дистрофик, склеротик ва атрофик характердаги эпителиал бузилишлар, гиперкератоз ва паракератоз билан боғлиқлиги асосланган;

ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган парадонт тўқимаси капиллярларида васкулит, коллаген толаларнинг склерози ва гиалинози, ҳамда тўқима регенерация жараёнларининг бузилиши сабабли оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги шикастланишлар морфологик жиҳатдан асосланган;

тизимли қизил югурик негизидаги беморларда парадонт тўқимасидаги микроциркуляция гемодинамик бузилишлари таҳлил этилган ва парадонт тўқимасидаги яллиғланиш жараёнларининг патогенетик босқичлари ҳамда парадонт тўқимаси бузилишлари ўзаро боғлиқлиги исботланган;

илк бор парадонт тўқимасидаги микроциркулятор бузилишларни коррекция қилиш учун оғиз бўшлиғини натрий гипохлоритнинг озонлаштирилган эритмаси билан ишлов бериш усулининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ТҚЮ касаллиги бўлган беморларда парадонтда яллиғланиш ва деструктив жараёнларнинг ривожланишидаги умумий патогенетик омиллар асосланган;

ТҚЮ касаллиги ва СТП билан бирга кечадиган беморларда сурункали тарқалган парадонтитни эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

тизимли қизил югурикда ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган парадонтитни маҳаллий даволашда натрий гипохлоритнинг озонлаштирилган эритмасини қўллаш буйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда сурункали тарқалган парадонтитнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашга янгича ёндашиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, инструментал, морфологик ва статистик текширув усулларида

асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар ТҚЮ касаллиги бўлган беморларда сурункали тарқалган пародонтит ривожланиш механизми эрта аниқланганлиги, клиник – лаборатор таснифи морфологик белгилари билан боғлиқлиги, аниқланган лаборатор, морфологик ва гемодинамик ўзгаришлар башоратлаш курсаткичи эканлиги, микроциркулятор бузилишларнинг клиник-патогенетик жиҳатлари очиб берилганлиги, адекват даволашни танлаш учун зарур бўлган дори воситаларини стандарт давога қўшиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда сурункали тарқалган пародонтитни келиб чиқишини камайтириш ва даволаниш харажатларини қисқартириш, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи амалий тавсияномалар тиббиёт амалиётига татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ТҚЮ билан касалланган беморларда сурункали тарқалган пародонтитни даво – ташхисот ёндашувини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тизимли қизил югурикда ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган пародонтитни маҳаллий даволашда натрий гипохлоритнинг озонлаштирилган эритмасини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Тизимли қизил югурикда пародонт патологиясини даволашда озонотерапияни жорий этиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/197-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тизимли қизил югурикда пародонт касалликларини даволашда озонотерапия усулини қўллаш орқали касалликнинг даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

тизимли қизил югурик билан касалланган беморларда сурункали тарқалган пародонтитни даволашда тавсия этилган комплекс чора тадбирларни жорий этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Тизимли қизил югурикда пародонтнинг яллиғланиш касаллигини даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/196-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тизимли қизил югурикда пародонт касалликларини даволаш усуллари оптималлаштириш орқали касалликнинг асоратларини камайтириш имконини берган;

тизимли қизил югурикда сурункали пародонтит ривожланишини босқичли ташхислаш ва даволаш усуллари оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижаларни Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси, Самарқанд вилояти болалар стоматология поликлиникаси ва Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология марказида клиник амалиётига жорий қилинган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 августдаги 08-09./10300-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга татбиқ этилиши тизимли Ёзил югуриқда учрайдиған сурункали тарқалған пародонтитни эрта ташхислаш, пародонт тўқимасидаги микроциркулятор бузилишларни эрта аниқлаш, касалликни даволаш муддатини қисқартириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берған.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилған.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилған, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилған илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилған.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилған адабиётлар рўйхати ва қисқартмалардан иборат. Диссертациянинг хажми 106 бетни ташкил этған.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётған муаммонинг ўрганилғанлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилған олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ҳамда вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинғанлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумот берилған.

Диссертациянинг «**Тизимли қизил югуриқли беморларда сурункали тарқалған пародонтит муаммосига замонавий қарашлар**» деб номланған биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилған тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилған. Адабиётлар мушоҳадасида тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда дунёдаги ва Ўзбекистондаги тизимли қизил югуриқ билан касалланған беморларда сурункали тарқалған пародонтитнинг ривожланиши, унинг этиопатогенези, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, шунингдек, тизимли қизил югуриқ муаммосининг моҳиятини очиб берувчи адабиётларни ўрганиш тақдим этилди. Ушбу бобда муаммонинг ҳолати, тоифадаги беморларни таснифлаш масалалари келтирилған. Юқорида қайд этилғанлар бизнинг изланишимизни мақсадини белгилади.

Диссертациянинг «**Материалларнинг клиник тавсифи ва қўлланилған текшириш усуллари**» деб номланған иккинчи бобида

тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган, клиник материалларнинг умумий тавсифи, клиник ва инструментал тадқиқот усуллари берилган. Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-сон клиникаси ревматология булимига, Самарқанд шаҳар стоматология поликлиникасининг терапевтик стоматология бўлимига ва «Sam Denta medic» клиникасига ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган пародонтит билан мурожаат қилиб келган 20-55 ёшгача булган 122 нафар беморларнинг даволаш натижаларига асосланган. Улар эса уз навбатида икки гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳга 84 ва таққослаш гуруҳга 38 нафар бемор киритилган. Даволаш тактикасига кўра асосий гуруҳдаги беморлар учта кичик гуруҳларга бўлинди. Таққослаш гуруҳи 38 нафар бемордан иборат бўлиб, бу соматик патологияга эга бўлмаган ўртача оғирликдаги сурункали тарқалган пародонтит аниқланган беморларни ўз ичига олди.

Тадқиқотда клиник, инструментал, лаборатор текширув, пародонтнинг махсус текшириш ва пародонт тўқималарининг морфологик текширув усуллари қулланилган. Барча беморлар умумий, хусусий ва махсус усуллар ёрдамида кенг қамровли клиник ва лаборатор текширувлардан ўтказилди. Умумий текшириш усулларга аъзо ва тизимларнинг клиник текшируви, касалликнинг рентгенологик босқичини аниқлаш учун ЧПЖБ ва кўл-оёқ бармоқлари бўғимларининг рентгенографияси қўлланилди.

Пародонт ҳолатини объектив баҳолаш учун махсус текшириш усуллари ўтказилди. Булар гигиеник индексни аниқлаш (ГИ), папилляр-маргинал-алвеоляр индекс (ПМАИ), пародонтал индексни баҳолаш (ПИ), қон томирлар ўтказувчанлиги ва милклардаги капиллярларнинг дозаланган вакуумга чидамлилиги Кулаженко синамаси, пародонт тўқимаси қон томирларини микроциркуляциясини текшириш учун ЛАКК-01 (НПЛ «Лазма») махсус портатив лазерли флоуметриядан фойдаланилган.


Асосий гуруҳдаги беморларга маҳаллий оғиз бўшлиғига озонотерапия ҳамда плазмаферез муолажаси ўтказилди. Озонотерапия муолажа усули УОТА-60-01-Медозон қурилмаси ёрдамида бажарилди.

Тадқиқотда олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2016 дастурий таъминоти ёрдамида, Pentium-IV шахсий компьютерида статистик қайта ишланди.


Диссертациянинг «**Тизимли қизил югурик билан оғриган беморларда пародонт тўқимасининг клиник ва морфологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ТҚЮда пародонт тўқимасининг морфологиясини ўрганишга бағишланган. Милк тўқимасининг гистологик препаратлари пародонтдаги олдиндан мавжуд ўзгаришларни ТҚЮ билан оғриган беморларда сурункали яллиғланиш касалликлари, биринчи навбатда сурункали пародонтитда акс этган. Биопсияда шиллик қават бўлакчалари кўп қаватли кўчиб тушган эпителий ва базал тўқима фибрози ҳам сурункали яллиғланиш касалликларига хос ўзгаришларни кўрсатади. Малпигий қаватидаги хужайралар вакуолизацияси ва эпителийда акантоз, эпителиоцитлар хужайралараро боғининг узилиши ва шиши аниқланади. Баъзи биоптатларда эпителий қавати кескин юпқалашиб, сўрғичлар ва

эпителий қаватининг кўчган жойлари текисланиб, базал ва тиканакли қаватларда эпителий ичи лейкоцитар инфильтрацияси кўринади (1-расм).

ТҚЮ билан текширилган барча беморларда милк эпителиал қаватининг дистрофияси, юзаки қават эпителиоцитларида вакуолалар мавжудлиги, лимфоплазматик хужайраларнинг кучли инфильтрацияси, бириктирувчи тўқима тузилишининг ўзгариши, ядро патологияси ва васкулит белгилари ҳамда коллаген толалари ва қон томир деворининг плазма оқсиллари билан тўйинганлиги аниқланди. Бу ўзгаришлар паракератоз юзага келишининг бошланишини кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, ўртача, баъзан яққол ривожланган акантоз қайд қилинади (2-расм).




1-расм. ТҚЮ билан бемор милкиннинг шиллик қавати. Кўп қаватли муғузланмайдиган ясси эпителий хужайра акантози билан бирга, эпителий ости тўқимада юмалоқ хужайрали инфильтрацияси. Гематоксиллин ва эозин билан бўялган × 300




2-расм. ТҚЮ билан беморда сурункали тарқалган парадонтит. Нейтрофиллар ва Руссел таначалари билан яллиғланиш инфильтрацияси. Гематоксиллин ва эозин билан бўялган × 150

ТҚЮ билан беморларнинг барчасида сурункали пародонтитнинг морфологик кўриниши учун хос бўлган, турли даражада ифодаланган милкларнинг яллиғлиниши (алтератив, ёки продуктив характердаги) кузатилди. Строманинг диффуз лимфоплазмоцитар инфильтрати 3 нафар беморда аниқланди (3-расм).

Ўчоқли лимфогистиоцитар инфильтратлар 3 нафар беморда, минимал ўзгаришлар эса, 4 нафар беморда кузатилди. Таъкидлаш жоизки, югурикли жараён учун хужайра марказининг патологияси 5 нафар беморда кузатилди (4-расм). Бу беморлар ТҚЮ нинг 3 – даражали фаоллиги билан бўлган беморлар эди. Яққол ифодаланган яллиғланиш жойларидаги инфильтрат хужайраларининг маркази гиперхром бўлиб, ядро бўлакчаларидан тортиб, то “ядро чанглари” кўринишида мавжуд бўлиши кузатилди. Некрозлашган коллаген толалар бўккан бўлиб, базофил депозитларни ҳосил қилди.



3-расм. Яллиғланиш инфилтратида лимфоцитларнинг устунлиги. Строма некрози. Атрофидаги фибробластлар Гематоксилин ва эозин билан бўялган × 250.



4-расм. Яллиғланиш инфилтрацияси ва некроз ўчоғидаги хужайра марказининг патологияси. Гематоксилин ва эозин билан бўялган × 250.

Шундай қилиб, ТҚЮда энг ёрқин намоён бўлган ўзгаришлар фаол югурик жараёни бўлган, шунингдек, касалликнинг ўткир ости ва сурункали кечишида кузатилган беморларда аниқланди. Плазматик хужайралар билан аралаш бўлган лейкоцитлар инфилтрацияси, ҳамда пролифератив васкулитлар хос ўзгаришлар сифатида намоён бўлди. Патологик жараёнинг кўзиши диффуз, ҳамда диффуз – ўчоқли лимфоплазмоцитар инфилтрацияси, хужайра маркази патологияси, ҳамда томир девори ва коллаген толаларнинг кон плазмаси оксиллари билан бўқиши кўринишида намоён бўлди.

Диссертациянинг «Тизимли қизил югурик касаллигида ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган пародонтитнинг комплекс даво натижалари ва беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш» деб номланган тўртинчи боби ТҚЮ билан касалланган беморларда ўрта оғирликда кечувчи сурункали тарқалган пародонтитни текшириш ва даволашда қўлланиладиган тактик-индивидуал ёндашишларга бағишланган. Даволаш комплекс характерда бўлиб, маҳаллий таъсир, ҳамда, нафақат парадонтдаги яллиғланиш жараёнини, балки ТҚЮ нинг ножуя белгиларини бартараф қилишга қаратилган тизимли муолажаларни ўз ичига олди.

Сурункали тарқалган пародонтит ўрта оғир кечиши ТҚЮ билан кўшилиб келган беморларда маҳаллий даво, яллиғланиш жараёнининг намоён бўлиш даражаси, касалликнинг кечиш хусусиятлари ва пародонтнинг морфологик ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда белгиланди. Даволаш натижаларига таъсир қилувчи омилларни биз баллар шкаласи бўйича баҳоладик («Тизимли қизил югурик билан беморларда пародонт яллиғланиш касалликларини даволашни танлаш учун дастур» ЭХМ дастурини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича маълумотнома № DGU 09465, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш агентлиги (1 – жадвал).

1 – Жадвал


ТҚЮ билан беморларда сурункали тарқалган пародонтит ўрта оғир кечишида даволаш тактикасини танлашнинг балли тизими

№	Даволаш тактикасини танлашга таъсир этувчи омиллар	Омиллар хусусиятлари		Баллар
1	Пародонтит	Ўткир	Маҳаллий	2
			Тарқалган	1
		Сурункали	Енгил	2
			Ўрта оғир	9
			Оғир	10
			Қайталанувчи	2
	Реммисия	1		
2	Тизимли қизил югурик	Кечиши бўйича	Ўткир	3
			Ўткир ости	2
			Сурункали	1
		Фаоллик даражаси	1 даража	0
			2 даража	1
			3 даража	2

Сурункали тарқалган пародонтит ўрта оғир кечиши ТҚЮ билан кўшилиб келган беморларда даволаш усулини танлашга таъсир қилувчи омилларни баҳолашнинг балли дастури, организмнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволашнинг энг мақбул усулини танлаш имконини берди. Бизнинг тадқиқотларимизда озонотерапиянинг қуйидаги усуллари қўлланилди: оғиз бўшлиғини маҳаллий озонлаштирилган эритма билан чайиш, озонлаштирилган эритма билан пародонтал чўнтакларни ювиш, натрий гипохлоритнинг озонлаштирилган эритмаси билан оғиз бўшлиғига ишлов бериш. Озонотерапия усули кунаро, 6-8 муолажалар давомийлигида бажарилди.

Даволаш тактикасига кўра асосий гуруҳдаги беморлар 3 та кичик гуруҳларга бўлинди. Олинган баллар миқдори 2 дан 5 гача булган беморларнинг I кичик гуруҳи (22 нафар бемор) да умум қабул қилинган даволаш фонидида озон – кислородли эритма қўлланилди.

Озонлаштирилган эритмалар, хусусан, дистилланган сув ва бошқа антисептиклар, оғиз бўшлиғига ишлов бериш, пародонтал чўнтаклар ва милкларни ювиш учун қўлланилди. Озонни милкларни профилактик тозалаш билан биргаликда қўлланилиши оғиз бўшлиғи ҳолатини етарлича яхшиланишига эришиш имконини берди, буни гигиена индексининг ижобий динамикаси ҳам кўрсатади (7 – расм).



7 – Расм. Асосий гуруҳдаги беморларда оғиз бўшлиғини озонлаштирилган эритма билан чайишдан қилишдан олдин ва кейинги оғиз бўшлиғи гигиенасини баҳолаш

Клиник озонатор «УОТА-60-01-Медозон» қурилмасидан фойдаланиб, антисетик эритма флакони орқали озон – кислород газли эритмаси 10 дақиқа давомида, барботаж усулида ўтказилди.

Олинган баллар миқдори 6 дан 10 гача бўлган беморларнинг II кичик гуруҳи (41 нафар бемор) – умум қабул қилинган даволаш фонида пародонтал чўнтакларга W&H Prozone қурилмаси ишлаб чиқарган озон – кислород газли эритмаси билан, махсус, бир маротаба ишлатиладиган, Рerio кийгизиладиган кисми ёрдамида, 18 сония эквивалентлиги режимида антисептик ишлов берилди.

Олинган баллар миқдори 11 дан 15 гача бўлган беморларнинг III кичик гуруҳи (21 нафар бемор) – умум қабул қилинган даволаш фонида оғиз бўшлиғига юқорида кўрсатилган муолажалардан ташқари натрий гипохлоритнинг (NaOCl) 0,06% ли озонлаштирилган эритмаси ёрдамида ишлов берилди.

Асосий гуруҳдаги беморларда сурункали тарқалган пародонтитни умумий даволашда асосий касаллиги инобатга олиниб, даво муолажалари ревматолог билан биргаликда тавсия этилди.

ТҚЮ да пародонт тўқималарида микроциркуляция бузилишлари кузатилганлиги сабабли яллиғланиш жараёнлари чуқурлашиб боради.

Озон турли хужайраларга, тузилмаларга ва метаболик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади, таъсири мураккаб, кўпкомпонентли ва кўпинча воситали бўлиб, унинг биологик таъсир доираси жуда кенг. Бу организмнинг ҳаёт фаолиятида кислород ва унинг фаол шаклларининг юқори роли билан боғлиқ бўлиб, тизимли қизил югурик патогенезининг турли қисмларига бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатиш имконини беради (Куликов А.Г. 2012). Натрий гипохлорит озонлаштирилган эритмасидан фойдаланган ҳолда микроциркуляция бузилишларини бартараф қилиш қон оқими

модуляциясининг фаол ва нофаол механизмларини тиклашга, ҳамда унинг вазомотор механизмини фаоллаштиришга олиб келади.

Даволаш бошланишидан олдин тизимли қизил югурук билан оғриган барча беморларда сурункали тарқалган пародонтитнинг бир хил белгилари қайд этилди. Беморлар милклардаги оғриқ ва ноқулайлик ҳиссига, қаттиқ овқатларни тишлаш ва чайнаш, ҳамда тиш тозалаш вақтида оғриқ пайдо бўлишига, сезувчанлик ошишига ва оғиздан нохуш хид келишига шикоят қилишди. Объектив кўрик вақтида 5 мм чуқурликдаги пародонтал чўнтакларнинг мавжудлиги, тишлар қимирлашининг II-II даражаси, тишлараро милк сўрғичлари конфигурациясининг бузилиши ва унинг цианози, тишлараро маргинал ва алвеоляр милкларнинг димланишли гиперемияси, тегилганда милкларнинг қонаши, кўп миқдорда милк усти ва милк ости тиш қатламларининг пайдо бўлиши, пародонтал чўнтаклардан сероз – йирингли ажралмалар ажралиши аниқланди. Рентгенограммаларда суяк тўқимасининг ўзгариши алвеолалараро тўсиқлар баландлигининг тиш илдизининг 1/2-1/3 узунлигида пасайиши, тишлараро тўсиқларнинг деформацияси, тўсиқ чегараларининг ноаниқлиги ва остеопароз ўчоқлари кўринишида намоён бўлди.

Даволашнинг ижобий самараси ўтказилган даво усулига боғлиқ равишда турли муддатларда юз берди. Барча аниқланган аломатлар ва клиник кўринишлар учун тизимли қизил югурик билан оғриган беморларда гуруҳлардаги табақалаштирилган даволашнинг ижобий таъсири эрта муддатларда содир бўлди. Милкларнинг қонаши тадқиқот гуруҳидаги беморларда ҳар бир бемор учун алоҳида табақалаштирилган ёндашув асосида олиб борилди ва у 4 та муолажадан кейин батамом йуқолди.

Деярли бир хил муддатларда ижобий клиник самаранинг юзага келиши милк қиррасининг наштартсимон нақшининг тикланиши, милкларнинг шиши, гиперемияси ва цианозининг йуқолиши каби белгиларда ҳам кузатилди. Ушбу белгиларнинг йуқолиши 6 мартаба ишлов берилгандан кейин қайд этилди.

Даволаш курси тугатилгандан сўнг тишлар қимирлашининг I даражаси I кичик гуруҳдаги беморларнинг 5 нафарида (22,7%), II кичик гуруҳдаги беморларнинг 6 нафарида (14,6%) ва III кичик гуруҳдаги беморларнинг 3 нафарида (14,3%) аниқланди.

Даволаш курси тугатилгандан кейин 2 мм гача пародонтал чўнтаклар аниқланган беморлар сони I кичик гуруҳда 3 (13,6%) нафарни, II кичик гуруҳда 4 (9,7%) нафарни ва III кичик гуруҳда 2 (9,5%) ни ташкил қилди.

Даволаш натижасида барча гуруҳларда гигиеник ва пародонтал индекслари кўрсаткичларининг сезиларли пасайиши кузатилди, яъни III кичик гуруҳда олиб борилган даво схемаси энг самарали эканлиги аниқланди.

Демак, сурункали тарқалган пародонтит билан беморларда гигиеник ОНІ-S – индекси $4,13 \pm 0,08$ ни ташкил этди. Комплекс даводан сўнг I кичик гуруҳда $0,73 \pm 0,03$ ни, II ва III кичик гуруҳларда эса мос равишда $0,68 \pm 0,04$

ва $0,89 \pm 0,08$ ни ташкил этди, ушбу кўрсаткичлар ҳам зарарланмаган пародонт индексидан сезиларли паст бўлди ($P < 0,05$).

ПМА индексининг % лардаги катталиги I кичик гуруҳда $3,04 \pm 0,56\%$ гача, II ва III кичик гуруҳларда эса мос равишда $2,02 \pm 0,34\%$ ($P < 0,05$) ва $3,15 \pm 0,76\%$ ($P < 0,05$) гача пасайиши кузатилди.

Даволаш натижасида пародонтал индекс даражаси I кичик гуруҳда $0,13 \pm 0,07$ га етди, бу эса II ва III кичик гуруҳлардаги ПИ мос равишда $0,76 \pm 0,06$ ($P < 0,05$) ва $0,29 \pm 0,06$ ($P < 0,05$) бўлган кўрсаткичлардан сезиларли паст эканлигини кўрсатади.

Барча кичик гуруҳларда клиник ремиссияга эришилгандан сўнг милк суюқлигининг экссудацияси сезиларли даражада камайди, милк капиллярларининг барқарорлиги ошди, оғиз бўшлигининг химоя реакцияси кучайди. Даволаш якунида ушбу ўзгаришлар III кичик гуруҳда яққол намоён бўлди. III кичик гуруҳда милк суюқлиги экссудацияси $0,06 \pm 0,006$ мг бўлди, I ва II кичик гуруҳларда ушбу кўрсаткич мос равишда $0,15 \pm 0,008$ мг ($P < 0,05$) ва $0,17 \pm 0,009$ ($P < 0,05$) ни ташкил этди.

Оғиз бўшлиғи носпецифик химоя омилларининг тикланиши ювилмалардаги нейрофил лейкоцитлар ва эпителиал хужайралар миқдорининг камайиши билан мос келди. Бунда, барча гуруҳларда нейтрофил лейкоцитларнинг миқдорий пасайиши зарарланмаган пародонт кўрсаткичларидан сезиларли паст эканлиги аниқланди, I ва II кичик гуруҳлардаги кўрсаткичлар эса, III кичик гуруҳ кўрсаткичларидан паст эканлиги аниқланди. Барча кичик гуруҳлардаги ювилмаларда эпителиал хужайралар сони зарарланмаган пародонтдаги кўрсаткичлардан сезиларли пастлиги аниқланиб, II кичик гуруҳда ушбу кўрсаткич III кичик гуруҳдан сезиларли паст бўлди.

Милк тўқималаридаги микроциркуляция кўрсаткичларининг таҳлили асосий гуруҳдаги беморларда маҳаллий даво кўпроқ самара берганлигини хулоса қилиш имконини берди. Демак, микроциркуляциянинг интеграл кўрсаткичи М озон – кислород эритмаси билан чайиш қўлланилгандан (I кичик гуруҳ, $n=22$) кейин $16,97\%$ га ($P < 0,05$); патологик чўнтақлар Австрия компаниясининг W&H Prozone қурилмаси ишлаб чиқарган озон – кислород газли эритмаси билан ишлов берилгандан кейин (2 – кичик гуруҳ, $n=41$) $18,19\%$ га ($P < 0,05$); юқоридаги муолажалардан ташқари оғиз бўшлиғи натрий гипохлоритнинг $0,06\%$ ли эритмаси билан ишлов берилган беморларда (3 – кичик гуруҳ, $n=21$) $20,55\%$ га ($P < 0,01$) ошганлиги аниқланиб, М кўрсаткичи 1 ва 2 – кичик гуруҳларда сезиларли даражада юқори эмаслиги кузатилди.

III кичик гуруҳда капиллярлар барқарорлиги $58,52 \pm 3,41$ сония катталикка эга бўлиб, зарарланмаган пародонт капиллярлари барқарорлигидан ($62,70 \pm 2,64$ сония) статистик аҳамиятли фарққа эга бўлмади ($P < 0,05$). I ва II кичик гуруҳда капиллярлар барқарорлиги III кичик гуруҳ натижаларидан яққол паст эканлиги аниқланди, ҳамда мос равишда $52,13 \pm 1,94$ сония ($P < 0,05$), $48,0 \pm 2,80$ сония ($P < 0,05$) ни ташкил этди.

Шундай қилиб, ЛДФ – грамма кўрсаткичларининг таҳлили комплекс даволаш устунлигини кўрсатди. Бунда айрим кўрсаткичларнинг ижобий

динамикаси озонотерапияни алоҳида қўллаш натижаларидан сезиларли даражада юқори бўлди. Натрий гипохлоритнинг озонлаштирилган эритмасини қўллаб комплекс даво натижалари билан таққослаш гуруҳидаги беморларга ўтказилган стандарт даво натижалари таққосланганда сезиларли фарқ аниқланди.

Демак, натрий гипохлоритнинг озонлаштирилган эритмасини қўллаш орқали микроциркуляция бузилишларини бартараф қилиш қон айланиши модуляциясининг фаол ва нофаол механизмларининг тикланишига, шунингдек, унинг вазомотор механизмининг фаоллашишига олиб келади. Бунда, асосий гуруҳнинг 3 – кичик гуруҳида ЛДФ – грамма кўрсаткичлари тикланишининг энг юқори самараси нафас ва юрак ритми билан боғлиқ бўлган (АНФ/ПМ•100% ва АСФ/ ПМ•100%) қон айланишининг нофаол механизмлари билан характерланувчи кўрсаткичлар бўйича аниқланди. Бу эса, микроциркуляциядаги яққол динамика пародонтдаги гемореологик бузилишларнинг нормаллашиши билан боғлиқ, деган фаразни илгари суришга асос бўлади.

2019 йилдан бошлаб ТҚЮ да сурункали тарқалган пародонтит кузатилган беморларнинг ҳаёт сифати биз томонимиздан ишлаб чиқилган, касалликнинг объектив ва субъектив белгиларини, беморларнинг кундалик жисмоний, руҳий, ижтимоий фаолиятини баҳолаш имконини берувчи инструментал текширув натижаларини ўз ичига олувчи дастур орқали баҳоланиб борилди. Ҳар бир беморнинг ҳаёт сифати комплекс даволашдан кейин объектив ва субъектив белгилар бўйича сўровномадан тўпланган баллар билан баҳоланди. 81 баллдан 100 баллгача тўплаган беморлар "аъло", 61 баллдан 80 баллгача – "яхши", 41 баллдан 60 баллгача – "қониқарли" ва 40 баллдан паст балл тўплаган беморлар "қониқарсиз" деб баҳоланди.

Ишлаб чиқарилган дастур бўйича узок муддат кузатилган асосий гуруҳдаги 84 нафар беморнинг 36 нафариди ҳаёт сифати баҳоланди. Шундан ҳаёт сифати баҳоланган беморларнинг 75 % да даволашдан кейинги ҳаёт сифати яхшиланганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ТҚЮ да сурункали тарқалган пародонтит билан беморларни комплекс даволаш тактикасини танлашни такомиллаштириш мазкур тоифадаги беморларни юритиш натижаларига ижобий таъсирини кўрсатди. Озон ва натрий гипохлорит эритмаси кенг доирадаги биологик самарага эга бўлиб, бактерицид, иммунитетни кучайтирувчи, антитоксик ва микроциркулятор ҳавзада қон айланишини яхшиловчи хусусиятга эгадир. Озон ва натрий гипохлорит эритмасининг юқорида санаб ўтилган самаралари уларни турли хилдаги стоматологик касалликларда муваффақиятли қўллаш имконини беради.

ХУЛОСА

“Тизимли қизил югурик билан беморларда парадонтнинг яллиғланиш касаллигини даво – ташхисот ёндашувини оптималлаштириш” мавзусидаги илмий изланишлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Тизимли қизил югурик билан боғлиқ сурункали тарқалган пародонтит бўлган беморларда ТҚЮ 1 – даражали фаоллиги 32,1%, 2 – даражаси 39,3% ва 3 – даражаси 28,6% беморларда аниқланди. Шу билан бирга беморларда гигиеник ОНІ-S – индекси $4,13 \pm 0,08$ ни, ПМА индекси- $61,73\% \pm 1,33\%$ ва ПИ индекси $5,11 \pm 0,09$ ташкил этди.

2. Тизимли қизил югурик билан касалланганларда пародонт тўқимасининг морфологик белгилари плазматик хужайралар билан аралаш бўлган лейкоцитлар инфилтрацияси, хужайра ядроси патологияси, ҳамда пролифератив васкулитларга хос ўзгаришлар қайд этилди.

3. ТҚЮ ва СТП билан оғриган беморларни комплекс даволашда озонотерапия қўлланилганда даволашдан кейинги клиник - инструментал кўрсаткичларнинг таҳлилида ижобий ўзгаришлар аниқланди.

4. ТҚЮ билан касалланган беморларда пародонт тўқималарида микроциркуляциянинг бузилиши фонида юзага келган СТПни даволашда озонотерапия юқори самарали ва арзон даволаш усули бўлиб, лазерли флоуметрия динамик кузатиш маълумотларига кўра озонотерапия микроциркулятор ҳавзада қон айланишини 1 -, 2 – ва 3 – кичик гуруҳларда мос равишда 16,99% ($P < 0,05$); 17,60% ($P < 0,05$) ва 21,80% ($P < 0,01$) га ижобий натижаларга эришилди.

5. Натрий гипохлорит озонлаштирилган эритмасидан фойдаланган ҳолда микроциркуляция бузилишларини бартараф қилиш қон оқими модуляциясининг фаол ва нофаол механизмларини тиклашга, ҳамда унинг вазомотор механизмини фаоллаштириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБСАЛАМОВА НИГОРА ФАХРИДДИНОВНА

**ОПТИМИЗАЦИЯ ЛЕЧЕБНО-ДИАГНОСТИЧЕСКОГО ПОДХОДА К
ВОСПАЛИТЕЛЬНЫМ ЗАБОЛЕВАНИЯМ ПАРОДОНТА У БОЛЬНЫХ
СИСТЕМНОЙ КРАСНОЙ ВОЛЧАНКОЙ**

**14.00.21 – «Стоматология»
14.00.05 – «Внутренние болезни»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4.PhD/Tib.1096.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научные руководители:

Зойиров Тулкин Элназарович
доктор медицинских наук, доцент
Шодикулова Гуландом Зикрияевна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Бекжанова Ольга Есеновна
доктор медицинских наук, профессор

Ахмедов Халмурад Садуллаевич
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация:

**Приволжский исследовательский
Медицинский университет (Россия)**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском государственном медицинском институте (Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz

С удиссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского института (зарегистрирован за № _____) Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66;

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2021 года).

Ж. А. Ризаев
Председатель разового научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Г.У.Самиева
Ученый секретарь разового научного
совета по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, доцент

К.Э.Шомуродов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, доктор медицинских наук,
доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день развитие хронического пародонтита (ХП) на фоне системной красной волчанки широко распространено среди населения, и, в свою очередь, приводит к социально-медицинским и экономическим потерям, а в тяжелых стадиях к инвалидности. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «... заболевания суставов занимают третье место в общей структуре заболеваний с частотой 0,5–3,0% и приводит к стойкой инвалидности пациентов...»¹. По последним данным, в развитых странах у 10-20% всех пациентов с СКВ первые симптомы заболевания развиваются еще до полового созревания. В настоящее время, проблема ранней диагностики хронического пародонтита у тяжелобольных с системной красной волчанкой, и порядок лечения с учетом патогенетических особенностей для предотвращения тяжелых осложнений заболевания, уменьшения количества рецидивов является проблемой, которую необходимо решить при помощи медицины.

Ранняя диагностика заболеваний пародонта, на основе системной красной волчанки, выявление причинных и обостряющих факторов заболевания, ряд научных исследований, направленных на совершенствование специализированных методов лечения, проводятся во всем мире. В связи с этим, необходимо проведение научных исследований, направленных на разработку комплекса мероприятий по определению факторов риска заболевания, состояния иммунной системы, состояния СКВ, качества жизни пациентов, а также внедрение эффективных схем лечения.

В нашей стране приняты комплексные программные меры по кардинальной модернизации качества медицинских услуг населению, внедрена эффективная модель системы здравоохранения и достигнуты положительные результаты. В результате принятых мер, такие задачи, как «повышение эффективности и качества медицинской помощи в стране, а также внедрение стандартов, высокотехнологичная диагностика и лечение, организация эффективного патронажа и диспансерного обслуживания, пропаганда здорового образа жизни и профилактики заболеваний»² были установлены. В этих задачах прогностическая ценность показателей ЛДФ-грамм для морфологической характеристики, диагностики и скоординированного лечения пациентов с хроническим генерализованным пародонтитом, у больных с системной красной волчанкой, а также современные медицинские услуги позволяют снизить возникающую инвалидность.

¹ World Health Organization. Musculoskeletal conditions. 8 February 2021 Available from: <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/musculoskeletal-conditions>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года и № УП-5590 от 7 декабря 2018 г. «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» и № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», № ПП-4063 от 18 декабря 2018 г. «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

